

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН
90 летию
профессора, д. м. н.
Д.Д. ДЖАЛАЛОВА



2023

TOSHKENT



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013 года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА. 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

Ответственный за выпуск

доцент Б.А. Ешмуратов

доцент И.И. Бахриев

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционного совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Израилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабилов У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

ОРГАНИЗАЦИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ (СУД-ТИББИЙ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ)

ТИББИЕТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР Ж.Ж.ЖАЛОЛОВНИНГ ХАЁТИ, ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАКИДА ҚИСҚАЧА ОЧЕРК

Бахриев И.И., Ешмуратов Б.А.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон



Жалолов Жалил Жалолович – тиббиёт фанлари доктори, профессор, соғлиқни сақлаш аълочиси, иттифоқ ихтирочиси, суд тиббиёти фани ашёвий далиллар текшируви ва экспертизаси бўйича чуқур фундаментал тадқиқот ишларини амалга оширган олим, моҳир педагог ва юқори малакали зукко мутахассис.

Ж.Ж.Жалолов 1932 йил 26 апрел Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1949 йилда ўрта мактабни муваффақиятли битириб, шу йили Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга қабул қилинган. Талабалик давридаёқ Самарқанд вилояти тери-таносил диспансерида, дастлаб санитар ва кейинчалик - институтни битиргунича ўрта тиббий ходим бўлиб ишлаган. Унинг отаси Ахроров Жалол уруш даврида, оғир дамларда давлат хизматида бўлиб, оғир бетоблиги туфайли 1949 йили (39 ёшда) вафот этади. Онаси эса, Ахроркулова Барноой ая тўққиз ойлик ҳомиласи билан бева қолади. Кейинчалик онаси чақалоғи ёш Ўринбой билан қийинчиликларни бошидан ўтказди. Жалил ака эса Халил, Жамол, Камол ва Ўринбой укаларини тарбия қилишни ўз зиммасига олади. Болаларнинг тўлиқ зиёли бўлиб етишида онаси Барноой аянинг ўғитлари бебаҳодир, чунки уй бекаси бўлишига қарамай, Барноой ая болаларига маънавий ўғит бериб, тўғри йўл кўрсатган буюк Ўзбекистон оналаридан биридир. Унинг катта фарзанди бўлмиш Жалил ўқиш билан бирга ишлайди. Аввало, у дуч келган ишларда, кейинчалик тиббиёт муассасаси - Самарқанд вилоят тери-таносил диспансерида тиббиёт мутахассиси бўйича ўз фаолиятини бошлайди. 1955 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлагач, тери-таносил касалликлари кафедрасида клиник ординатор қилиб қолдирилди. 1957 йилгача ординатурада ўқиб туриб, диспансерда ўриндош дерматолог сифатида иш олиб боради.

1957 йилдан 1967 йилгача Самарқанд вилояти суд тиббий экспертиза бюросида суд тиббий эксперт, кейинчалик бўлим мудири лавозимида ишлаб келади. Меҳнат фаолияти давомида Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида жамоат ишларида фаол қатнашади. Ж.Ж.Жалолов амалиёт билан бирга илмий ишларни ҳам олиб боради. 1967 йили изланувчи сифатида профессор Л.М.Эйдлин раҳбарлигида далилий ашёларни тек-

шириш бўйича «Сперма ва унинг доғларини текширишнинг янги имкониятлари» мавзусида тиббиёт фанлари номзоди диссертация ишини ёқлайди. 1968 йилдан 1975 йилгача Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг суд тиббиёти кафедрасида ассистент, кейинчалик катта ўқитувчи лавозимларида ишлаб, талабаларга маърузалар ўқийди, ҳамда уларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиб келган.

1975 йилда танлов асосида Тошкент Давлат тиббиёт институтининг суд тиббиёт кафедрасида доцент, 1976 йилдан 2003 йилгача кафедра мудири лавозимида ишлаб, 2012 йилгача шу кафедра профессори лавозимида ўз фаолиятини давом эттирди.

1982 йилда Ж.Ж.Жалолов Москвада профессор В.В.Томилин раҳбарлигида далилий ашёларни текшириш бўйича «Гемоглобин, холин, спермин ва фосфатаза жавҳарини хроматография усули билан суд тиббиётига оид текшириш» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. 1983 йилда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда суд тиббиёти фанидан (нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда) профессорлик унвонини олишга муяссар бўлди. У 300 тага яқин илмий ишлар, мақолаларнинг муаллифи, 1 докторлик ва 10 номзодлик диссертация ишларига раҳбарлик қилди. 50 яқин ихтиро ва рационализаторлик гувоҳномалар муаллифи. 1983 йил Собиқ Иттифоқда суд-тиббий экспертлар орасида биринчи бўлиб "СССР ихтирочиси" унвон - медалини олишга муяссар бўлди. Унинг ихтиролари нафақат тиббиёт соҳасида, балки бошқа соҳаларда ҳам қўлланиб келинмоқда. Масалан, 1987 йили Собиқ Иттифоқ табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг берган маълумоти бўйича хроматографик пластинканинг (муаллифлик гувоҳномаси №700832) қўлланиши экспериментал метеорология институтида фойдаланилган ва иқтисодий даромад келтирган.

1992 йил Ўзбекистонда «Суд тиббий экспертиза илмий ўқув-амалий бирлашмаси» ташкил қилинди ва Ж.Ж.Жалолов бирлашма директори этиб тайинланди. Унинг раҳбарлигида яхши жиҳозланган ва юқори малакали мутахассислар билан таъминланган кафедрада суд тиббиёти фанининг деярли барча йўналишларида, айниқса далилий ашёларни текшириш бўйича илмий ишлар олиб борилди. Соч, қон, сўлак, сперма изларини идентификациялаш масалаларига оид муаммолар чуқур ўрганилди. Ж.Ж.Жалолов раҳбарлигида кафедрада ишлаб чиқарилган қатор усуллар нафақат ҳамдўстлик мамлакатлари суд тиббий амалиётида қўлланилиб келинмоқда, балки қатор хориж мамлакатларда ўз аксини топган.

1997 йили Ж.Ж.Жалолов Нью-Йоркда бўлиб ўтган симпозиумда қатнашиб, суд тиббий экспертиза муассасаларида бўлган чоғида, у ерда ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқилган хроматографик усулларнинг айрим биологик объектларни текширишда қўлланилишининг гувоҳи бўлган.

1984 йилда Ж.Ж.Жалоловнинг Москвада чоп этилган «Установление крови и спермы в следах при экспертизе вещественных доказательств» номли монографияси нафақат Ўзбекистонда, балки бутун МДХ мамлакатлари мутахассисларнинг кундалик китоби бўлиб қолди. Ж.Ж.Жалоловнинг кўп қиррали илмий фаолиятдан ташқари педагогик ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг 20 тадан ортиқ услубий-амалий қўлланмалари, маъруза матнлари, 4 монографиялари тиббиёт олий ўқув юртлари ва тиббиёт муассасаларида кенг қўлланилмоқда.

Ж.Ж.Жалоловнинг 1992 йилда чоп этилган суд тиббиётидан русча-ўзбекча атамалар луғати, 1995 йилда нашр этилган «Суд тиббиётидан далолатнома» номли китоби ва «Қотиллик, суиқасдлик, бахтсиз ҳодисаларнинг механик асфиксия орқали содир этилиши» рисоласи суд тиббий экспертлари учун амалий қўлланма бўлиб қолди. 1996 йилда биринчи бўлиб Ж.Ж.Жалоловнинг суд тиббиётидан дарслиги ўзбек тилида чоп этилди.

Ж.Ж.Жалолов кафедрада ёш малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. 1976 йилдан бошлаб, умрининг охиригача Ўзбекистон Республикаси суд тиббий экспертиза Бош бюроси ва Тошкент шаҳар, ҳамда барча вилоят суд тиббий экспертиза бюрolari суд тиббий экспертларига мураббийлик ёрдамни кўрсатиб, уларнинг илмий мақолаларини чоп этилиши ва малакасини оширишга қўмаклашган, улар томонидан Республикадаги барча суд-тиббий лабораторияларига маслаҳат ва йўл-йўриқ берилиб, суд-тиббий экспертиза сифатини оширишга қаратилган муҳим услубий ва амалий ёрдам бериш ишлари олиб борган.

Профессор Ж.Ж.Жалолов илмий-педагогик ва амалий фаолият билан бирга кўп йиллар давомида (1978-1989) «Судебно-медицинская экспертиза» журналининг кенгаш аъзоси, собиқ бутуниттифоқ суд-тиббий экспертлар жамияти кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси суд тиббиёт илмий жамиятининг раиси, 1978 йилдан 1995 йилгача «Труды судебно-медицинских экспертов Узбекистана» тўпламининг масъул муҳаррири, 1987-2000 йилларда суд тиббиёти бўйича Ўзбекистон Республикаси тиббиёт институтлари қошидаги монотематик комиссиясининг раиси лавозимида кўп қиррали фаолият олиб борди, ҳамда «Ўзбекистон тиббиёт журнали» таҳрир кенгаш аъзоси бўлган.

Ж.Ж.Жалолов - юксак истеъдодли ва уddaбурон мутахассис, ёшларнинг меҳрибон ва моҳир устози бўлган. Профессор Ж.Ж.Жалоловнинг хизматлари ҳуқуқатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У «СССР ихтирочиси» медали ва «Меҳнат фахрийси» унвонлари билан тақдирланган. Жалил Жалолович Тошкент тиббиёт академияси суд-тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг профессори бўлиши билан бирга Тошкент шаҳар суд тиббий экспертиза бюроси 1-филиалининг мудири лавозимида ишлади.

Ҳар бир устоз олим умрининг боқийлиги унинг тайёрлаган шогирдлари, уларнинг илмга қўшган ҳиссалари билан белгиланади. Профессор Ж.Ж.Жалоловнинг ҳам кўпгина шогирдлари ҳозирги кунда республикамизнинг турли суд тиббий муассасаларида ишлаб, халқ хизматида ва фан чўққиларини эгаллаш бобида тинмай илмий ва амалий изланишлар олиб бормоқдалар. Жумладан профессор З.А.Ғиёсов Республика суд-тиббий экспертизаси Бош бюросининг бошлиғи ва Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг мудири вази фасини бажарган, ҳозирда шу кафедра профессори лавозимида ишлаб, у профессор Ж.Ж.Жалоловнинг илмий-педагогик фаолиятининг бевосита давомчиси ҳисобланади. Доцент Б.А.Ешмуратов ТошПМИ Нукус филиали декани, патологик анатомия ва суд тиббиёти кафедраси мудири, ТошДавТИ суд тиббиёти кафедраси мудири, Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи ва ҳозирда ТТА суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси доценти лавозимида ишламоқда, доцент Б.С.Абдуллаев Самарқанд давлат тиббиёт университетиининг патологик анатомия кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатишиб, илмий амалий ишлар билан бир қаторда бўлғуси суд тиббий экспертларни тайёрлашда ҳам самарали меҳнат қилишмоқда. Устоз олимнинг илмий ишларининг яна бир қанча давомчилари доцент И.И.Бахриев Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси мудири, доцент Э.Х.Жуманиёзов магистратура дастур директори, т.ф.д. М.А.Хасанова кафедра доценти, т.ф.н. Ф.Н.Лочинов кафедра катта ўқитувчиси, мархум т.ф.н. А.Т.Кучкинов Сурхондарё вилояти суд тиббий экспертиза бюроси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган. Улар устознинг илмий ғояларини ҳар томонлама ривожлантириб, суд тиббиётини бугунги кундаги долзарб муаммолари устида ишламоқдалар. Бундан ташқари профессор Ж.Ж.Жалоловнинг бир қатор шогирдлари т.ф.н. С.Н.Ибадуллаев Россияда, доцент А.Ш.Айдарқулов Қозоғистон давлатлари суд тиббий муассасаларида ишлаб, суд тиббиёти фанини ривожлантириш борасида хизмат қилмоқдалар.

Олимнинг келажакда нима ишлар қилиши, илмий маҳсулининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан устозига боғлиқдир. Устозимиз профессор Ж.Ж.Жалолов талабчан, қалби ҳамиша янги ғояларга бой, суд тиббиёти фанининг фидойиси, назари тўқ, шогирдларини руҳлантира биладиган ва истеъдоди, салоҳияти, нимага қодирлигига қараб интилитрадиган, ашёвий далиллар соҳасида том маънода «мактаб яратган» ва собиқ иттифоқда экспертиза соҳасида етакчи олимлар томонидан тан олинган «ҳақиқий устоз» эдилар. Халқда «Устоз отангдек улуг» деган нақл бор. Жалил Жалолович шогирдлар учун том маънода отадек устоз бўлганлар. Шундай устозни кўриш бизга насиб этганидан шукроналар айтамыз. Устоз Жалил Жалоловичнинг илмий мактаби давомчилари эканлигимиздан ғурурланамиз ва уларнинг ўғитлари ва берган сабоқларини абадий ёдда тутамиз.

Ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати билан эл назарига тушган профессор Жалолов Жалил Жалоловичнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу барҳаёт бўлиб қолади.



СОДЕРЖАНИЕ

ОРГАНИЗАЦИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ
(СУД-ТИББИЙ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ)

Бахриев И.И., Ешмуратов Б.А. ТИББИЕТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР Ж.Ж.ЖАЛОЛОВНИНГ ХАЁТИ, ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАКИДА ҚИСҚАЧА ОЧЕРК	4
Искандаров А.И. ИСТОРИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАНЕ.....	6
Бекназаров Ш.Й., Ешмуратов Б.А., Бекназаров Ш.Ж. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД БИОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ СУД ТИББИЁТИ ВА ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ РОЛИ	9
Индиаминов С.И., Якубов Х.Х., Носиров Т.К. НАЧАЛЬНЫЕ ЭТАПЫ ПРИМЕНЕНИЯ МЕДИЦИНСКИХ ЗНАНИЙ В СУДЕБНО-СЛЕДСТВЕННЫХ ПРОЦЕССАХ.....	14
Айдаркулов А.Ш., Нургалиева Ж.Ж. ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ В СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКУЮ ПРАКТИКУ МЕТОДА «ВИРТУАЛЬНОЙ АУТОПСИИ»	17
Попов В.Л. ОБ ИЗУЧЕНИИ ПОСЛЕДСТВИЙ БИОЛОГИЧЕСКОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В АСПЕКТЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ	20
Хасанова М.А. ЛЕКТИНЫ С ГРУППОСПЕЦИФИЧЕСКИМИ СВОЙСТВАМИ К СИСТЕМЕ АВО	22

СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ТАНАТОЛОГИЯ
(СУД-ТИББИЙ ТАНАТОЛОГИЯ)

Индиаминов С.И., Умаров А.С. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ЭКСПЕРТИЗЫ ТРУПОВ ЛИЦ, ПОГИБШИХ ОТ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ПОСЛЕ ПРОВЕДЕНИЯ ДИАГНОСТИЧЕСКИХ И ЛЕЧЕБНЫХ ВМЕШАТЕЛЬСТВ.....	27
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ВОЗМОЖНОСТИ УСТАНОВЛЕНИЯ ДАВНОСТИ СМЕРТИ ПО ДИНАМИКЕ ПОСМЕРТНЫХ АУТОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В НЕРВНО-СОСУДИСТЫХ СТРУКТУРАХ ГОЛОВНОГО МОЗГА ПОСЛЕ МАССИВНОЙ КРОВОПОТЕРИ.....	33
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э., Кушбаков А.М. ЗНАЧЕНИЕ ДИНАМИКИ РАЗВИТИЯ ТРУПНЫХ ЯВЛЕНИЙ ДЛЯ УСТАНОВЛЕНИЯ ДАВНОСТИ НАСТУПЛЕНИЕ СМЕРТИ.....	40
Бойманов Ф.Х., Кушбаков А.М., Расулова М.Р. ОЦЕНКА МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ КОЛОТО-РЕЗАННЫХ РАН НАНЕСЕННЫХ НАЦИОНАЛЬНЫМИ НОЖАМИ.....	48
Жуманов З.Э., Индиаминов С.И. ДИНАМИКА АУТОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ТКАНЕВЫХ И СОСУДИСТЫХ СТРУКТУРАХ МИОКАРДА ПОСЛЕ СОСТОЯНИЙ МЕХАНИЧЕСКОЙ АСФИКСИИ, В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ТЕМПЕРАТУРНЫХ УСЛОВИЙ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА.....	50
Бойманов Ф.Х., Индиаминов С.И., Хайдаров Д.Т. ОСОБЕННОСТИ КОЛОТО-РЕЗАННЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ НЕБИОЛОГИЧЕСКИХ ТКАНЕЙ, ПРИЧИНЕННЫХ НАЦИОНАЛЬНЫМИ УЗБЕКСКИМИ НОЖАМИ	58
Джафаров Ф.М., Ешмуратов Б.А., Султанова Н.Д. ОПРЕДЕЛЕНИЕ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ ПРИЗНАКОВ ВХОДНОЙ ОГНЕСТРЕЛЬНОЙ ПУЛЕВОЙ РАНЫ ПРИ ВЫСТРЕЛЕ С БЛИЗКОЙ И НЕБЛИЗКОЙ ДИСТАНЦИИ ..	66
Islamov Sh.E., Maxmatmuradova N.N., Normaxmatov I.Z. KALLA-MIYA JARONATI MUDDATINI ANIQLASH XUSUSIYATLARI.....	68
Ишанджанова С.Х., Азизова Ф.Х., Отажанова А.Н., Шигакова Л.А. ГИПАТАЛАМО-ГИПОФИЗАРНО, ТИРЕОИДНАЯ И ИММУННАЯ СИСТЕМА, И ИХ ВЗАИМОСВЯЗЬ.....	72